



3-бет



4-бет



7-бет

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 137 (9.940)

2003 ЙИЛ 15 ИЮЛЬ

ЎЗБЕКИСТОН-ПОЛЬША:

САМАРАЛИ ҲАМКОРЛИК ЙЎЛИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов 10-12 июль кунлари расмий ташриф билан Польша Республикасида бўлди

Ўзбекистон ва Польша бир-бири учун ўз минтақаларида энг ишончли шериклардан ҳисобланади. Ўтган йил октябрда Александр Квасъневский Ўзбекистонга келгани ва энди мулоқотнинг узвий давоми сифатида Ислон Каримов расмий ташриф билан Польшага боргани икки давлатнинг ўзаро ҳамкорликни кенгайтиришга интилиши нечоғли кучли эканлигидан далолатдир.

Мамлакатлар, халқлар бир-бирини қанчалик қадрламасин, яқин кўрмасин, манфаатлар уйғун бўлмаса, чинакам ҳамкорлик қарор топиши қийин. Шу нуқтаи назардан қаралса, сўнгги вақтларда Ўзбекистон-Польша муносабатлари янада фаоллашгани кўпга соҳалардаги ўзаро манфаатдорлик ҳамда ана шу манфаатдорлик борасидаги ҳамфикрлик билан изоҳланади.

Польша Европада майдони жиҳатидан бешинчи, аҳолиси бўйича саккизинчи ўринда туради. Унинг жаҳон иқтисодийотидаги улуши шиддат билан кўпаймоқда. 1990 йили унинг ялли ички маҳсулоти жаҳон бўйича ялли ички маҳсулотнинг 0,3 фоизини ташкил этган бўлса, 2000 йили 0,5 фоизга тенглашди. Польша кўпга саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича етакчи ўринларда туради. Масалан, мис, кўмир, олтингургурт ишлаб чиқаришда биринчи ўликка, сульфат кислотаси, цемент, чўян, телевизор, енгил ва юк ташиш автомобиллари, электр энергияси бўйича иккинчи ўликка кирди.

Мамлакатнинг жаҳон сиёсат майдонидаги нуфузи салмоқли. Европанинг жуғрофий-сиёсий жиҳатдан энг қулай қисмида жойлашгани, НАТО ва Европа Иттифоқига аъзо бўлиш арасида турганининг ўзиёқ бу нуфуз учун яна бир белги бўла олади.

Президент Ислон Каримов таъкидлаганидек, Европада халқ кўп, лекин полякларнинг бизга муносабати ўзгача. Польшанинг Ўзбекистонга хайрихоҳлиги, бегараз ҳамкорликка интили-



ши қувонарли. Масалан, иқтисодий соҳани оладиган бўлсак, аънавий тармоқлардан ташқари, қурилиш, энергетика, телекоммуникация, фойдали қазилмаларни қазиб олиш ва қайта ишлаш, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, кимё саноати устуворлик касб этиши мумкин. Автомобил-созлик, тўқимачилик саноати, истеъмол моллари ишлаб чиқариш, шунингдек, энергия тежаш технологиялари, авиация техникасини ишлатиш ва таъмирлаш, темир йўл транспортини замонавийлаштириш ва ривожлантириш, қадоқлаш буюмлари тайёрлаш каби тармоқлардаги ҳамкорлик ҳам яхши самара беради.

Ўзбекистон ва Польшада нефть-газ саноати, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш, банк-молия, сайёҳлик каби кўпга соҳалар бўйича алоқаларни ривожлантириш учун кенг имкониятлар мавжуд.

Аънавий соҳаларга келсак, пахтани сўнгги босқичига қадр қайта ишлаш соҳаси ҳамкорлигининг энг аҳамиятли бўғинларидан бири бўлиб қолмоқда. Ислон

Каримов таъкидлаганидек, Польша Ўзбекистон пахтасини Швейцария орқали олади. Ваҳоланки, бунга муқобил, ҳатто, айтиш мумкинки, бундан анча афзал йўл бор. Ўзбекистонда қўшма корхона очиб, пахтани шу ернинг ўзида қайта ишлашни йўлга қўйсақ, икки томон учун ҳам фойдали бўлув эди. Айни пайтда юртимизда Польша билан ҳамкорликда ташкил этилган йигирмага яқин қўшма корхона бор. Тармоқлар салмоғи бўйича таснифлайдиган бўлсак, улар фаолиятида қурилиш, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, пластмасса буюмлар, тиббий жиҳозлар тайёрлашдан кейин пахтани қайта ишлаш туради.

Кишлоқ хўжалиги мавзусини давом эттирганда, картошка етиштириш, галлакорлик, чорвачилик, селекция, полиз маҳсулотлари ва мева-валарни қайта ишлаш йўналишларидаги ҳамкорлик фойдали эканлигини айтиш даркор.

Яна бир ўта муҳим соҳа — транспорт коммуникациялари. Польша келаси йили ЕИга қўшилиди. Унинг учун ривожланган Европанинг

барча мамлакатларига янада кенг йўл очилади. Александр Квасъневский Ўзбекистонга келганида, Польша Ўзбекистон учун Европа дарвозаси бўлишга тайёр эканлигини айтган эди. Демак, Ислон Каримов сафар олдидан таъкидлаганидек, Польшага очилган чегара, очилган йўллар биз учун ҳам очилади.

Варшавада мамлакатимиз раҳбари бу масалага оид муҳим маълумотни келтирди. Биз Польша коммуникация тармоқларидан фойдалансак, ҳар тонна юкдан ўртача 40 АҚШ доллари тежашимиз мумкин экан. Бу рақамдан қандай хулоса чиқариш ўзингизга ҳавола.

Президентлар савдо-иқтисодий муносабатларини яна бир бор танқидий нуқтаи назардан кўриб чиқди ва ҳукумат вакилларидаги тегишли топшириқлар беришга келиши олди. Бунинг самараси ўлароқ, ҳукуматларимиз ўртасида иккита кредит битими ҳамда божхона ишларида ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам, халқаро автомобиль қатнови тўғрисидаги битимлар имзоланди.

(Давоми 2-бетда).

XXI саҳоси

Барча мамлакатлардан олқинган сўнгги хабарлар

Мамлакатимизда

- Фан ва технологиялар марказида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги илмий-техника тараққиётини мувофиқлаштириш кенгашининг бўлиб ўтган мажлисида 2003 йилнинг биринчи ярмида давлат грантлари асосида амалга оширилаётган илмий-технавий дастурларнинг ижроси муҳокама этилди.
- Республика «Маънавият ва маърифат» маркази Ватанимиз Истиқлолнинг 12 йиллиги олдидан жойларда Маънавият кунларини ўтказмоқда. Шундай тадбирлар Тошкент вилоятининг Бекобод ва Янгийўл шаҳарларида, Паркент ва Пскент туманларида бўлиб ўтди.
- БМТ тараққиёт дастурининг «Қорақалпоғистоннинг чекка қишлоқлари учун энергия» лойиҳаси амалга оширила бошланди.
- Мамлакатимизда фаолият юритаётган дипломатик корпус ва халқаро ташкилотлар вакиллари иштирокидаги «Экосан» халқаро миссияси Навоий вилоятига жўнаб кетди.
- Қорақалпоғистон Республикаси галлакорлари қабул пунктларида 60 минг тонна дон топириб, давлатга галла сотиш шартнома-режасини бажардилар.
- Ўзбекистон Банклари ассоциацияси ҳамда «Ахбор-Рейтинг» банклари рейтинг компанияси «Банклар ва банк тизими мавзусидаги энг яхши журналистик асар» танловини эълон қилди.
- Ўзбекистон Бадий академиясининг замонавий санъат марказида «Хоразм заргарлик санъати» кўргазмаси очилди.

Жаҳонда

- Америка Қўшма Штатларининг «Хелен III» номи юк кемаси 42 йилдан буён илк бор Куба мамлакатига келди.
- Италиянинг туризм масалалари бўйича давлат котиби Стефано Стефанига германиялик сайёҳлар тўғрисида ҳақоратомуз фикрларни билдиргани қимматга тушди. Бу масалага Германия дарҳол муносабат билдириб, жорий йилда ушбу мамлакатдан Италияга ташриф буюрадиган сайёҳлар сони кескин камайдиган бўлди. Натижада Стефани ўз хатоси учун истеъфога чиқишга мажбур бўлди.
- АҚШ ҳарбий-денгиз флотининг «Рональд Рейган» номи янги замонавий атом кемасига эга бўлди.
- Хитой касалхоналарида юқумли касалларга қараш учун дастлабки роботлар хизмат кўрсата бошлади. Улар беморларга дори беради, ҳароратини ўлчаб юмушларини бажаради. Файрвуддий зотилжам касаллиги пайдо бўлган чоғда ушбу янгилик муҳим аҳамият касб этмоқда.
- НАСА астрономлари бундан чамаси 13 миллиард йиллар муқаддам галактикамизда пайдо бўлган сайёрани кашф этдилар. Ҳажин Юпитердан икки баравар юқори бўлган мазкур сайёра Чаён юдузлар туркумида бўлиб, у Ер қурагидан 5600 ёруғлик йили масофасида жойлашган.

ЎЗБЕКИСТОН-ПОЛЬША: САМАРАЛИ ҲАМКОРЛИК ЙЎЛИДА

(Давоми.
Боши 1-бетда).

Варшава музокаралари якунида мудофаа вазирликлари ўртасида ҳарбий-техникавий ҳамкорлик тўғрисида декларация, Ўзбекистон Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети билан Польша Халқаро муносабатлар институти ўртасида ҳамкорлик тўғрисида ҳамфирклик меморандуми, «Ўзбектуризм» миллий компанияси билан Польша сайёҳлик ташкилоти ўртасида сайёҳлик соҳасида ҳамкорлик тўғрисида битим, Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки билан Польшадаги «Bank Gospodarstwa Krajowego» ўртасида иккита банклараро битим ҳам қабул қилинди.

Матбуот анжуманида Президентлар ушбу янги ҳужжатлар икки томонлама фойдали муносабатлар ривож учун янги замин тайёрлашини таъкидлади.

Ислом Каримов ва Александр Квасневский икки давлат ўртасида сийбӣ, маданий, илмий алоқалар жадал ривожланаётганини таъкидлади. Уларнинг маълум қилишича, халқаро ҳамжамият диққат-эътиборида турган барча долзарб масалалар борасида Ўзбекистон ва Польшанинг қарашлари, вазиятга берган баҳолари бир-бирига мос.

Сийбӣсат борасида, икки мамлакат раҳбарларининг узоқни кўзлаб қабул қилган қарорлари ўзаро уйғун экани Ўзбекистон ва Польшани бир-бирига янада яқинлаштирганини айтиб ўтиш ўриндир. Мамлакатларнинг сийбӣсий ҳамжихатлиги эса, нафақат тараққиётга эришиш, балки ҳозир энг долзарб муаммага айланган террор балосига қарши курашда ҳам кўп фойда бериши аниқ гап. Масалан, Президентимиз айтганидек, Польша, НАТО аъзоси сифатида, Ўзбекистонга армияни ислоҳ этишда яқиндан ёрдам бериши, ўзаро тажриба алмашиши мумкин. Таҳдидларга қарши туришда НАТОнинг ҳарбий-техникавий имкониятлари кўп қилини тайин. Таъкидлаш жоизки, Шимолий альянсда Польшага нисбатан алоҳида хайрихоҳлик бор. Ўзбекистон билан Польша Евро-Атлантика ҳамкорлик кенгаши доирасида кўп томонлама ҳамкорлик қилиб келар эди, мудофаа вазирликлари ўртасида тузилган ҳужжат бу борадаги алоқаларни янада кенгайтиришга йўл очди.

Польша сафари хайрли воқеаларга бой бўлди. Александр Квасневский Ислом Каримовнинг ташрифи икки мамлакат ўртасидаги ўзаро масалалар муносабатлар белгиси эканлигини таъкидлар экан, Ўзбекистон Польшада элчихона очажанини маълум қилди. Бу воқеа тез ора-

да самара беришига ишонч билдирди.

Мамлакатимиз раҳбари Александр Квасневскийга Иккинчи жаҳон уруши йилларида ҳаёт тараққиоти билан Ўзбекистонга келиб қолган поляклар тақдири тўғрисидаги маълумотлар йиғилган архив ҳужжатларини топширди. Польша Президенти Ўзбекистон раҳбариятининг бу саҳовати полякларда ўзбекларга нисбатан ҳурмат-эҳтиром, хайрихоҳлик ва ишончни янада мустаҳкамлаши шубҳасиз эканлигини айтди.

Архив ҳужжатларини тегишли шахсларнинг яқинларига етказиш бундан буён ҳам давом эттирилиши маълум қилинди.

Александр Квасневский Ўзбекистон Президентини Польша Республикасининг Хизматлар учун ордени билан тақдирлади. Бу орден Польшанинг давлатлараро ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва халқлар ўртасидаги ҳамжихатлиқни ривожлантиришга улкан ҳисса қўшган шахсларга бериладиган энг олий мукофотиридир.

Ўзбекистон Президенти Фармонида кўра Александр Квасневский Ватанимизнинг «Буёқ хизматлари учун» ордени билан тақдирланди.

Ушбу воқеалар Ўзбекистонда Польшага, Польшада Ўзбекистонга эътибор ва эҳтиром катта эканлигини аниқлади, албатта.

Польша сафарининг яна бир жиҳатини эслаб ўтиш

жоиз. Ислом Каримов Гданск шаҳрида бўлиб, унинг тарихий обидалари билан танишди. Гданьск зиёрати баҳона, Александр Квасневский билан мулоқот яна анча вақт давом этди. Гарчи пойтахтда расмий кутиб олиш маросими бўлган эса-да, бу шаҳарда ҳам денгизчилар ва ҳарбий оркестр олий мартабали меҳмонга яна бир бор Польша халқи ва ҳукуматининг эҳтиромини намойиш этди. Бу эса Президентимиз ташрифида алоҳида хозирлик кўрилгани, Польшада бу ташриф юқори баҳолангани ва Ўзбекистон билан ҳамкорлик юксак қадрлишига яна бир ишора бўлди.

Музокаралар давомида қайд этилганидек, ҳозирги глобаллашув шароитида жуғрофий жиҳатдан нисбатан узоқ жойдан ҳамкор топиш гайриоддий туолмайди. Мухими, ҳамфирклик, ўзаро манфаатдорлик, интилиш бўлиши керак. Ўзбекистон ва Польша муносабатлари бемалол бунинг тасдиғи бўла олади.

Анвар БОБОЕВ,
ЎЗА махсус муҳбири.

Тошкент - Варшава -
Гданьск - Тошкент.

СУРАТДА: ташриф пайтида.

Абдувоҳид Тўраев (ЎЗА)
олган сурат.

Польша матбуоти Ўзбекистон Президентини ташрифида оид

Польша оммавий ахборот воситалари Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислом Каримовнинг ушбу мамлакатта ташрифини кенг ёритдилар.

Хусусан, «Женник», «Речь Посполита» газеталарининг биринчи саҳифаларида, шунингдек Польша ахборот агентлиги тарқатган хабарларда, «Польша амалий ва узоқ истиқболга мўлжалланган сийбӣсатни олиб бораётган Ўзбекистонни ўзининг муҳим минтақавий ва стратегик ҳамкори деб билади» деб ёзади.

Бунинг тасдиғи сифатида А.Квасневскийнинг «Ўзбекистон ўзининг ташқи сийбӣсатида улкан муваффақиятларга эришиши ва республика жиддий минтақа зиддиятларини ҳал этишда замонавий даражада роли ошди» деган сўзларини келтирди.

Табийки, ташрифнинг муҳим ўрни Ўзбекистон ва Польша Президентлари

— Ислом Каримов ва Александр Квасневскийларнинг дўстона руҳда ўтган музокаралари бўлди.

Шу муносабат билан матбуот нашрлари «икки давлат раҳбарлари муҳокама этган икки томонлама ва халқаро муносабатларда жуда кўп масалалар — Афғонистон ва Ироқдаги вазият, терроризмга қарши кураш, шунингдек, ҳозирги замоннинг глобал масалаларини ҳал этишда Ўзбекистон ва Польша қарашларининг яқинлиги ва тўла ҳамжихатлик тўғрисида сўз борувчи икки томонлама муҳим шартнома ва битимларнинг имзоланишига эътибор қаратади.

Шунингдек, Польша газеталари ўқувчилари эътиборини «Ўзбекистон Президентининг Марказий Осиё ва дунёда рўй бераётган барча мураккаб жараёнлар тўғрисида чуқур ва ҳар томонлама маълумотга эга эканига» диққатини қорлайди.

«Ислом Каримов ва Александр Квасневский музокараларидаги муҳит икки мамлакат раҳбарлари ўртасидаги мавжуд дўстона муносабатлар муваффақиятли ҳамкорликнинг асосини яна бир бор кўрсатиб берди» деб таъкидланади.

Газеталар «Ташриф давомида И. Каримовнинг А.Квасневскийга алоҳида аҳамиятга эга бўлган Польша генерали Андерс армияси тўғрисида ҳикоя қилувчи архив ҳужжатларини топширгани чуқур рамзий маънога эга» деб ёзади.

Польша ишбилармон доираларининг Ўзбекистон билан ҳамкорликни кенгайтиришга манфаатдорлиги тўғрисида газеталар «Ўзбекистоннинг катта иқтисодий салоҳияти мамлакат бозорига катта миқдорда Польша сармояларини жалб этишда ҳар томонлама фойдалидир» деб таъкидлайди.

«Жаҳон» АА

Иқтисодиёт

**Ҳам ишлаб
чиқаради, ҳам
ўрнатади**

«Жабар-паркет» хусусий фирмаси тадбиркорлари ҳам маҳсулот тайёрлайди, ҳам буюртмачи талабига кўра паркет ўрнатиш ишларини маромида бажариб беради.

Бунинг асосий сабаби фирмага ўз ишининг усталари — паркет ишлаб чиқаришдан уни қай тарзда ўрнатишга бўлган юмушларни мукамал билган ишчи-ҳодимлар меҳнат қилишда ёғочни қайта ишлашга ихтисослашган ушбу корхонада шитли бадий паркет, плитус, штапикар ва фигурали рейкалар тайёрланади.

— Маҳсулотларимиз идора ва офис, айниқса хонадонлар кўркини оширишда, ички ва ташқи гўзаллигини таъминлашда хизмат қилади, — дейди корхона директори Николай Хабаров. — Шу билан бирга биз унинг сифати ва мустаҳкамлигига эътибор қаратамиз.

Паркетчиларнинг изланишлари ўз самарасини бериб, уларнинг маҳсулотларига харидорлар сафи ортиб бормоқда. Бу эса уларнинг изланиш ва интилишларига сабаб бўлмоқда. Негаки ютуқларга интилиш билан изланиш орқали эришилади.

**Экспорт
қилинади**

— Инсонга биринчи навбатда нима керак? Соғлиқ, яхши тановул ва албатта иссиқлик, — дейди шахримиздаги «ПГС» хусусий фирмаси директори Полянте Свешников. — Шу боисдан ҳам биз ишлаб чиқараётган маҳсулотлар ана шу мақсадга қаратилган.

«ПГС»чиларнинг асосий широри эса маҳсулот ишлаб чиқариш, чиқарганда ҳам хорижники билан бемалол рақобатлаша оладиганини тайёрлашдир.

Мустақиллигимизнинг 12 йиллиғи шодийналарини қулнарида корхона ҳам ўз фаолиятининг 10 йиллигини нишонлайди. Энг муҳими эса улар ушбу санани ўзига хос юксалишлар, олдига қўйган мақсадларни адо этиш билан қарши олишга ётганида. Кичик нош тайёрлаш дастгоҳлари, мева ва сабзавотларни, макарон маҳсулотларини қуритувчи дастгоҳлар, парли ҳаммом ва сауналар учун электр жиҳозлар, электр қозон, механик уқаловчи электр қаров ва бошқа ўнлаб маҳсулотлар истеъмолчилар талаб ва эҳтиёжини қондирмоқда.

Ўтган давр мобайнида корхона маҳсулотларидан оқилонга фойдаланиш натижасида минглаб одамлар иш билан таъминланиб юз миллионлаб сўмлик электр энергияси тежалди. 1998 йилда корхона томонидан 27 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлса, ўтган йилда ушбу рақам 306,7 миллион сўмга етди. Жорий йилда корхона 500 миң долларлик маҳсулотни экспорт қилишни режалаштирган.

Наргиза ВАЛИЕВА

**ПОЙТАХТНИНГ
Дир. кўни**
Янгиликлар, воқеалар

ҚИСҚА

□ **ХАЛҚАРО** «Наврўз» хайрия жамғармасининг Тошкент шаҳар бўлими томонидан шахримиз туманлари ижтимоий-таъминот бўлимларига кўриш қобилияти суст ҳамда

ожиш фуқароларга кўзойнак ва оптик линзалар учун маблағ ажратилди.

□ **ЯНА** икки кундан сўнг Фафур Фулом номидаги маданият ва истироҳат боғида «Сурнай сеҳри» деб номланган миллий урф-ода, аънава ва қадриятлар байрам-сайли уюштирилди.

□ **АЙНИ** кунларда «Биоэко-сан» Республика ёшларининг ўқув-усулбий мажмуасининг пойтахтимизда жойлашган тўғрақларда ўқувчилар учун

«Табиат дизайнери», «Бошланғич экология», «Балиқчилик» йўналишлари бўйича турли машғулотлар ўтказиб келинмоқда.

□ **ШАХРИМИЗДА** Инвестиция институтлари миллий уюшмаси клуби аъзоларининг йиғилиши бўлиб ўтди.

□ **ТОШКЕНТ** Давлат иқтисодиёт университетида битирувчиларга бакалавр дипломлари топширилди.

□ **ПОЙТАХТИМИЗДА** «Меҳмондўстлик ва ахборот хизма-

ти» жамоат ташкилоти қошида Интеллектуал ёшлар маркази фаолият бошлади. Ушбу марказ ёшларга инглиз тилини чуқур ўргатишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

□ **ТОШКЕНТ** Давлат шарқшунослик институти томонидан 24-Меҳрибонлик уйига ётоқхона жиҳозлари, китоблар ҳада қилинди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги
Матбуот хизмати ва
ўз мухбирларимиз
хабарларидан.

Шарқ дурдоналари

Оз-оз ўрганиб домо бўлур...

• Бир араб донишманди айтади:

— Уч нарса кўнгилга ташвиш келтиради, тинч маишатни бузади: ёмон кўшни, ноқобил фарзанд, бадфеъл, жиззакчи хотин.

Бир олим фозил одам айтади:

— Қадим замонда Ғазна шаҳрида Абдулқарим исмли мўътабар ва давлатманд одам яшарди. Унинг қимматбаҳо нарсалари борлигини сезган бир ўғри шу нарсаларни ўғирлаш пайига тушди. Бир кун кечаси пайт топиб Абдулқаримнинг уйига кирди. Абдулқарим оиласи билан қаттиқ уйқуда эдилар. Ўғри бундан фойдаланиб, секингина қимматбаҳо нарсалар турган уйга кирди. Уйга керакли нарсаларни йиғиштириб олиб, энди кетмоқчи бўлиб турган эди, кўзи бир кутичага тушди. Дарҳол кутини очди. Кутини ичда бир нарсанинг майда кукуни бор эди. Ўғри қоронғуда кукуни кули билан сийпаб кўрса ҳам, ниманинг кукуни эканини билмади, кейин кукуни ялаб кўрди. Бу майда туз эди. Ўғри туздан озгина татиб кўргандан кейин, ўз-ўзига:

— Э, туз ҳақиқа риюя қилиш лаззатидан беҳабар одам, кўзингни оч, шу вақтгача лабинга бу кишининг моли билан доғ туширмаган эдинг, шунинг учун унинг молига хиёнат қилишни ўйлардинг. Энди унинг тузини единг, туз ҳақиқа риюя қилмай, унинг молига хиёнатни раво кўрсанг, сенинг бешармлингни ва мард йигит эмаслигингни кўрсатган бўлисан, — деб ҳамма нарсани жойида қолдириб чиқди.

Орадан бир қанча вақт ўтгандан кейин, ўғри холи бир ерда Абдулқаримга йўлиқиб унга куйлиб айтди:

— Уйингизга ўғри тушгану ҳеч нарсангизни олмаган деб эшитдим, тўғрими?

Абдулқарим унинг сўзидан ҳайратда қолди:

— Тўғри, уйимга ўғри кирган. Лекин ҳеч нарсани олиб кетмаган. Бу сирни ҳеч кимга айтмаган эдим, сен кимдан эшитдинг, ўша ўғри ўзинг эмасми? — деди.

Ўғри иқрор бўлиб:

— Уйингизга тушган ўша ўғри мен эдим. Сизнинг қимматбаҳо нарсаларингизни ўғирлаш ниятида эдим. Ўша кун кечаси сизнинг қаттиқ ухлаб ётганингиздан фойдаланиб уйингизга кирдим, керакли нарсаларни олиб, кетар олдида кутичада бўлган тузингиздан тотиб кўриб, молларингизни жойига қўйиб чиқиб кетдим. Туз ҳақиқа риюя қилдим.

Абдулқарим унинг сўзидан завқланиб айтди:

— Эй покиза йигит, сенинг шарму-хаёли, мард йигит эканингни билдим. Сен мени ўзингга мафтун этдинг. Менинг чиройли ва одоб тарбияли кишим бор, шу қизимни сенга бериб, сени ўзинга куёв қилишни тилайман. Қабул қиласанми?

Ўғри қабул қилиб, Абдулқаримнинг олдида ўғриликдан тавба қилди. Абдулқарим шу мард йигитни ўзига куёв қилди.

Байт:

Барча ерда истасанг,
ўтсин сўзинг,
Тўғри бирла қуроллантир
ўзинг.

• ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ АРТИСТИ НАЗИРА АҲМЕДОВА ТАВАЛЛУДИНИНГ 90 ЙИЛЛИГИГА

Назира санъатга эрта ҳавас қўйди, бунда онасининг ҳам хизматлари салмоқли бўлди: Ҳайитхон аслида кўконлик бўлиб, дутор чертарди, ялла ва лапарларни жўшиб айтарди. Назиранинг ижрочилик санъатига меҳри ортишида Муҳиддин Қориёқубов ва Тарахонимларнинг Фарғона водийси бўйлаб намойиш этган концертларининг аҳамияти ҳам катта бўлди. У ўтган асрнинг 20-йиллари ўртасида Тошкентга келди. Интернетда ўқиди ва бадий ҳаваскорлик тўғрагида иштирок эта бошлади. Мана шу меҳр ва ҳавас уни Москвадаги театр студиясига етаклади (1928 й.). Н. Аҳмедова 1930 йилгача ушбу билим масканида таҳсил кўриб, Ўзбекистонга қайтгач «ТРАМ» ёшлар театрида актриса бўлиб ишлади. Атоқли санъаткор Раҳим Пирмухамедовдан сабоқлар олди, Карим Зокиров, Қудрат Хўжаевлар билан сахнада роллар ўйнади, концертларда иштирок этди.

1931 йилда Назира Аҳмедова республика давлат академик драма театрининг актрисаси, 1932 йилдан эса Ўзбекистон радиосида фоллият кўрсатди ва атоқли хонанда сифатида кўп вақтлар мобайнида радио ижодкорлари билан ҳамнафас бўлиб, мумтоз қўшиқларни ва янгидан янги замонавий ашулаларни ижро қилиб келди. 1933 йилдан хушрўй овозли хонанда Тошкентдаги «Коллизей» театри қошидаги опера студиясига ўқишга тақлиф этилди, 1935 йилдан эса Республика давлат мусикали театрининг яққони бўлиб хизмат қилди. Мазкур театр сахнасида ёрқин истеъдод соҳибаси Хуршиднинг «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун», У. Ҳожибековнинг «Аршин молдон», Ф. Зафарийнинг «Ҳалима», К. Яшин ва М. Муҳамедовларнинг таниқли бастакорлар билан ҳамкорликда яратган мусиқий драма ва комедияларида етакчи ролларни ижро этиб, томошабинлар меҳрини қозонди. 1937 йилда атоқли санъаткор Москвада бўлиб ўтган биринчи ўзбек санъати ўн кунлигида иштирок этди ва мусиқий спектаклларда ижро этган роллари, катта концерт залларида хониш қилган қўшиқлари билан кенг доғруғ таратди; жозибали, ноёб, сержило овози билан санъат мухлислари завқини, олқишларини қозонди; мутахассис-муסיқашунос, театршунос, санъатшунослар унинг гўзал, мафтункор овозига, ижро маданиятига юксак баҳо бердилар; газета ва журналларда ушбу санъаткорнинг ўткир киррали ижросига, баланд хонандалик маҳоратига ижобий баҳолар берилди.

Назира Аҳмедова кўп киррали истеъдод соҳибаси эди, у нафақат сахнада роллар ижро этди, радио, телевидение, эстрадада қўшиқлар хониш айлади, балки кино экранда ҳам ўз маҳоратини намойиш қилди; у Лутфиҳоним Саримсоқова, Ҳалима Носирова, Раҳим Пирмухамедовлар билан «Асал» бадий фильмида роль ўйнади — бу фильм ўзбек киносунъатини томонидан яратилган дебоҳа овозли фильм эди.

1939 йилдан бошлаб Н. Аҳмедова то умрининг охиригача Ўзбек

Давлат академик опера ва балет театрида қизгин ва самарали ижодий фаолият кўрсатиб, санъат мухлислари орасида катта доғруғ таратди. Алишер Навоийнинг муборақ номи билан аталган ушбу театр сахнасида «Лайли ва Мажнун», «Бўрон», «Фарҳод ва Ширин», «Гулсара», «Тоҳир ва Зухра», «Гўрўғли», «Дилором», «Риголетто», «Евгений Онегин», «Кармен», «Наргиз», «Ер таргин» каби ўзбек,

Назира Аҳмедованинг маданиятимиз равнақи, муסיқий театримиз, қўшиқчилик санъатимиз ривожига қўшган ҳиссаси каттадир. Шу боисдан ҳам унга «Ўзбекистон халқ артисти» деган юксак фахрий унвон берилган.

Истиклол халқимиз маданияти, маънавий ҳаёти, театр ва муסיқа санъатимиз равнақида катта ҳисса қўшган ижодкорларимиз қадрини эъзозлаб, хотирасини абадийлаштиришдек ишларни амалга ошириш учун яхши омиллар яратиб бермоқда. Назира Аҳмедова ҳаёти ва ижодига бағишланган фильм, радио эшиттириш, телекўрсатув, мақолалар, хонандларнинг республика танловини ўтказиш каби тадбирлар ҳам шулар жумласидандир.

Ҳа, Назира Аҳмедова узоқ умр кўрмади, у орамиздан эрта кетди. Аммо сахнада, қўшиқ чаманзоридан у катта из қолдириб кетди. Эзгу ниятларини, орзу-армонларини яратган тўлақонли, бадий-баркамол сиймоларда, ҳаёт гўзаллиги, нашъу-наъмოსи билан тўлиб-тошган ашулаларда тараннум этди. Эндилқда унинг ўзи ҳам зебо қўшиқларда, унга бағишланган соғинч мисраларида, минтдор санъат мухлислари хотирасида яшаб келмоқда:

• ХОТИРА УЙҒОНСА ГЎЗАЛДИР

ЎЗБЕК САҲНАСИНИНГ ЁРҚИН ЮЛДУЗИ

Улкан ва қайтарилмас иқтидор эгаси бўлган Назира Аҳмедова ҳаёт бўлганида муборақ 90 ёшни чамалаб қоларди. XX аср ўзбек муסיқий санъатининг булбул овозли хонандаларидан бўлиб доғруғ таратган Назирахоним 1913 йилда Андижон шаҳрида таваллуд топди. Отаси Аҳмад ака эрта вафот этди ва кизалоқ онаси Ҳайитхон тарбиясида униб-ўсди.



рус, озарбайжон, қозоқ, ғарб ва жаҳон бастакорларининг операларида бадий етук, маънавий ва ғоявий баркамол, фалсафий мушоадалар билан йўғрилган, умумбашарий эзгу орзу-ниятларни тараннум этувчи спектаклларда жозибали, эҳтиросларга, лирик кечинмаларга бой, унутилмас, қуйма сиймолар яратиб, бизга катта нафосатни, бебаҳо ижровий қадриятларни мерос қолдирди. У ноёб, зебо «колоратура сопрано» овозига эга эди.

Назира Аҳмедова қўшиқ — ижрочилик борасида ҳам шухрат қозонди, у санъатнинг ушбу соҳасида Толибжон Содиқов, Мутаваккил Бурхонов, Тўхтасин Жалилов, Мухтор Ашрафий, Дони Зокиров, Манас Левиев, Комилжон Жабборов, Ҳамид Раҳимов каби бастакорлар билан самарали ижодий ҳамкорлик қилди. Унинг ижросидаги «Ишқидан», «Раъно бўлмасан», «Баҳор», «Обод ўлкам», «Келур», «Ёр мадҳи», «Ишонма» каби қўшиқлар санъат мухлислари хотирасидан чуқур жой эгаллаган. «Жоним менинг», Муқимий шеъри билан «Навбахор» ашулалари қалбларни тўлқинлантирарди, дилларга севинч, завқ-шавқ бағишларди. У қатор халқлар қўшиқларини ҳам моҳирлик билан куйларди; опералардаги гўзал арияларни концертларда мароқ билан ижро этарди. Н. Аҳмедова Фарғона, Логон, Тошкент каналларини бунёд этиш чоғларида ҳам, II жаҳон уруши даврида ҳам қизгин ижодий фаолият кўрсатди. Унинг санъатдаги издошлари ҳам кам эмас; машҳур ижрочи репертуаридан талай ёшлар ҳам баҳрамандлар.

1963 йил... Табиат қиш домидан узилиб, баҳорга юз тутган чоғ... Шу паллаларда Назира Аҳмедова таваллудининг 50 йиллиги шодийна этилди. Афсус, бу Назирахоним ҳаётининг сўнги баҳори эди...

Қабристонга борсам ноғохон,
Дафнияга кўяй деб гуллар,
Мажнунтолда ўлтириб чунон,
Ғамгин сайрар эди булбуллар.

Хотирамда жонланди шу он,
Сахнада сен куйлаган

дамлар...
Лайло бўлиб йиғласанг
қон-қон,
Йиғлар эди залда одамлар.

О, Назира, сахна булбули!
Қани ёниб сен айтган «Чоргоҳ»,
Қайда минг-минг мухлислар
гули?
Нечун бунда ётурсан жим, оҳ!..

Қайга кетди сен-ла Мажнун
ҳам,
Бобораҳим куйлаган «Сеғоҳ»,
Сахнада Қайс куйиб чеккан
Ғам...
Энди бунда ётибди, э-воҳ!

О, яхшилар! Наҳот бизлар ҳам,
Бир кун келиб бунда ётармиз?
Ҳаёт сахнин этиб кўп кўркам,
Сўнг уйқуга мангу ботармиз...

Майли, Тангри ҳаёт риштасин,
Қанча берган бўлса кўрайлик.
Жумла мўмин кўп йил яшасин,
Унга узоқ умр сўрайлик...

О, Назира! Сахна булбули,
Майли, сўнмиш эрта чирогинг.
Лекин қолди нафосат гули,
Кўшиқ-қуйга тўла хур боғинг.

Яна авжда янграр ул «Чоргоҳ»,
Сахнада барқ урар ёш Лайли.
Севгучи Қайс куйлайди

«Сеғоҳ»,
Булар, устоз, сизлар туғайли...

Баҳриддин НАСРИДДИНОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, Ўзбекистон Республикаси Ёзувчилар уюшмасининг аъзоси.

«Тошкент оқшоми»

ХУКУҚИЙ
МАСЛАХАТХОНАСИ

Қонунга ҳурмат ва итоаткорлик – ҳаёт мезони

(Кундалик ҳаётда учрайдиган айрим ҳуқуқий масалалар юзасидан 180 саволга 180 жавоб)

(Давоми. Боши газетанинг ўтган сонларида)

2- боб. Зарар етказишдан келиб чиқадиган мажбуриятлар

4.7. Зарар етказганлик учун моддий жавобгарлик

133. Зарар етказганлик учун моддий жавобгарлик қайси ҳуқуқий нормалар билан тартибга солинади?

Зарар етказганлик учун моддий жавобгарлик Ғуқаролик кодексининг нормалари билан тартибга солинади.

Ғуқаролик кодексининг 985-моддасига мувофиқ гайриқонуний ҳаракат (ҳаракатсизлик) туфайли ғуқаронинг шахсига ёки мол-мулкига етказилган зарар, шунингдек юридик шахсга етказилган зарар, шу жумладан бой берилган фойда зарарни етказган шахс томонидан тўлиқ ҳажмда қопланиши лозим.

134. Моддий жавобгарликни келтириб чиқарган гайриқонуний ҳаракат (ҳаракатсизлик) сабаби билан оқибатли зарар етказишдан келиб чиқадиган мажбуриятларни белгилашда инобатга олинадими?

Моддий жавобгарлик юзга келиши учун у ёки бу ҳаракатларнинг (ҳаракатсизликнинг) сабаблари билан оқибатлари ўртасида боғланиш бўлиши керак.

Жумладан, квартирага сув тошириб юборилганлиги туфайли мол-мулкка етказилган зарарни қоплаш учун сувни тошириб юборган, оқибатда бошқа хонадоннинг мол-мулкига зарар етишига ва квартира таъмирталаб бўлиб қолишига сабабчи бўлган шахснинг квартирасидаги сантехника ва канализация ускуналари ҳолати талаб даражасида эмаслиги билан сув тошириб юборганлик сабабли кўрилган зарарлар ўртасидаги боғланиш аниқлиши зарур. Агар сув тошириб юборилганлик натижасида кўшнинг мол-мулкига зарар етган бўлса, водопровод жўраги очиқ қолдирилганлиги ҳам айбли ҳулқатор саналади.

135. Канализация ҳамда сантехника ускуналари ва қурилмаларининг муайян қисми умумий фойдаланишдаги асбоб-ускуна ҳисобланганлиги сабабли улар авария ҳолатига олиб келганда ким жавобгар бўлади?

Умумий фойдаланишдаги асбоб-ускуналар, хусусан канализация ҳамда сантехника ускуналари ва қурилмаларининг муайян қисми уй-жойдан фойдаланиш корхоналари ёки уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тасарруфида эканлиги сабабли тасарруфларидаги ускуна, қурилма ва объектларнинг лозим даражада сақланиши ва бир маромда ишлаб туриши учун жавобгарлик уларнинг ўз зиммасида бўлади. Шундай экан, авария ҳолатини келтириб чиқарган қурилма, жиҳоз ва ускуна кимнинг тасарруфида эканлиги етказилган моддий зарарни қоплаш юзасидан жавобгарликни аниқлашда асос қилиб олинади.

Айтайлик, қурилма, ускуна ва жиҳоз лозим даражада сақланишини квартира мулкдорининг ўзи назорат қилиши лозим бўлса, сув тоширилиши натижасида етказилган зарар учун мулкдорнинг ўзи жавобгар бўлади. Башарти қурилма, ускуна ва жиҳозлар лозим даражада сақланиши уй-жойдан фойдаланиш корхонаси ёки уй-жой мулкдорларининг ширкати зиммасига юкланган бўлса, ана шу корхона ёки ширкат даъво талаблари бўйича жавобгар бўлади.

136. Зарар етказилган тақдирда қонунчилик давтавал қандай чоралар кўришни тақозо этади?

Уй-жойдан фойдаланиш корхонаси ёки уй-жой мулкдорларининг ширкати ходимлари далолатнома тузиб, унда ускуна ва қурилма ишдан чиққанлиги ёки авария бўлганлигини воқеа содир бўлган санани кўрсатган ҳолда акс эттириб, ходисанинг сабаб ва оқибатлари, ҳолат тавсифини айтиб ўтишлари керак. Далолатномада айна қайси қурилма, асбоб-ускуна бузилиб, сув оққанлиги ва бу қурилма, асбоб-ускуна кимнинг тасарруфида эканлиги кўрсатилмоғи зарур.

Ҳодиса оқибатларини тавсифлашда сув тошиб кетганлик оқибатлари имкон қадар лўнда ва аниқ акс эттирилиши, зарар етган девор, шип ва пол саҳни кўрсатиб ўтилиши керак. Башарти квартирадаги мол-мулкка ҳам шикаст етган, талафот қўрилган бўлса, далолатномада бу шикастланиш, талафот нисалардан иборат эканлиги акс эттирилмоғи лозим. Шунингдек далолатномада квартирани таъмирлаш билан боғлиқ оқлаш-мойлаш, пардозлаш ишлари ва шу сингари ишлар ҳам кўрсатилди. Уй-жойдан фойдаланиш корхонаси ёки уй-жой мулкдорларининг ширкати ходимлари айна бир вақтда таъмирлаш-тиклаш ишларига кетадиган харажатлар сметасини тузиб, зарарни қоплаш юзасидан ундирилиши лозим бўлган миқдорни ҳам кўрсатишга ҳаракат қилишлари даркор.

Сув тошириб юборганлик оқибатида квартирага етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги даъво квартира турган жойдаги ғуқаролик ишлари бўйича туманлараро судга тақдим этилади. Бунда давлат божи тўланади, унинг миқдори зарар юзасидан ундириб олинадиган суммага боғлиқ.

Ғуқаролик кодексининг 1004-моддасида назарда тутилишича, суд ғуқаро томонидан етказилган зарарни қоплаш миқдорини, унинг мулкий ҳолатини инобатга олиб, камайтириши мумкин. Зарар қасддан қилинган ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) оқибатида етказилган ҳоллар бундан мустасно.

(Давоми бор)



Гулдасталар бир-бирдан гўзал экан.

Дўппи тикдим ипаклари тиллодан, Ипаклари деманг зари тиллодан...

Ғазилат Сайдалиева 1913 йилда Тошкентда чевар оиласида таваллуд топди. Онасига эргашиб, беш-олти ёшларида дастрўмолчаларга табиат гулларини тикди. Миллий урф-одатларимизда қиз бола дегани эсини таний бошлаганидан унга «чевар бўлсин, игнасўзонли бўлсин, оилали бўлганда қўйналмасин», деб биринчи навбатда тикишни ўргатишаркан. Яхши, оқила келинларни «Сепли келин, эпли келин» деб маҳалла одамлари мактаб юришларига нима етсин.

— Ағсуски, хозирги кунда удумларимизни унутиб қўяётган, йиртиқ-ямоқни, игнасўзонли билмайдиган қизлар ҳам бор. Илгари қизлар балоғатга етгунларича тикишни миридан-сиригача билишарди. Қизи бор уйга чирой кирарди. Ўз сепларини ўзлари эплардилар. Тўйдан кейин келин саломда, келин кўргани келганларга ўзлари тиккан, тўкиган дастрўмолчаларини совға қилишарди. Бу билан укувли, чеварликларини билдиридилар. Эндилқда бу ибратли удумимиз буткул йўқолиб кетди...

Ғазилат аянинг бу гапларини эшитиб ўйлаиб қолдим. Ая мусаввира бўлгунларига қадар тенги йўқ чевар оиланинг устуни эканлар. Дўппидан тортиб, дастрўмол, қийқ, палак, кашталар тикарканлар. Бора-бора ип-ипақларда турли хил тасвирилар тушириб, мусаввирликка қадам қўйибдилар. Тошкентда очилган бадийий техникунинг илк талабаларидан бири бўлибдилар...

Ўзбекистон Бадийий академияси марказий кўргазмалар залида Ғазилат Сайдалиева таваллудининг 90 йиллигига бағишланган тантанали кечада Ўзбекистон халқ рассоми Малк Нобиев дил сўзларини билдириб, шундай деди: — Гўзаллик инсонни сира қаритмайди, тобора кучига-куч, ғайратига-ғайрат қўшиб, ҳеч тиндирмай, тобора ёш кўрсатаверади, кўриб турганингиздек. Ижодга келсак, Ғазилат опа Сайдалиева билан бир вақтда ўқиганмиз. Мен мўйқаламда, опа эса, энг қийин, энг мураккаби — игнада хилма-хил мўъжизавий тасвирилар яратдилар. Ишлари биз мўйқалам сохиблариникидан қолишмайди. Яратилган рангтасвирининг ўзгинасига ўхшайди. Тикилиб-термулган санъат мухлиси аранг ип-ипақларда, игна билан портрет, манзара асарлар яратганликларини томоша қилиб бўлганидангина пайқайди.

Ғазилат ая Сайдалиеванинг чеварлик санъати фақат республикамиздагина эмас, балки унинг «Ўзбекистон» сўзонаси кўргазмаларида дунё кезиб, жаҳон халқларини қойил қолдирган. 1947 йилда «Алишер Навоий» портретини яратиб, атрофига «Одами эрсанг деманг одами, Ониким йўқ халқ ғамидин ғами» каби оташқалб сўзларни зарҳал ипақларда, араб алифбосида ёзганлариде бу ҳунихат худди нақшларни эслатиб, портретни янада гўзал қилиб жонлантириб юборганди. Бу портрет Санъат музейининг хунармандлик

бўлимига қўйилиб, кўп вақт халқ эътиборини қозонган. Аянинг энг яхши ишларидан «Ўзбекистон» шоху сўзанаси шoir, бастакор, ёзувчиларгача мавзу топишда илҳомлантирди.

Тикдим шоху сўзана

Элга ҳади бўлсин деб, —

деган қўшиқ ва куйлар пайдо бўлди. Қўшиқни сеvimли санъаткор Коммуна Исмоилова маҳорат билан ижро этганини кўп бора эшитганмиз. Абдулла Қаҳҳор шу номда «Шоху сўзана» пьесасини ёзди. Саҳнага қўйилди, фильмга олинди. Асар китоб бўлиб нашр этилганда унинг саҳифасидан «Ўзбекистон» шоху сўзанаси ҳам муносиб ўрин олди. Ўша қирқинчи-эллгинчи йилларда ая миллий руҳиятни, миллий маданиятимизни игнада қўйлади, бу санъатни тараққий эттиргани учун тан олиниб, Ғазилат Сайдалиевага Ўзбекистон халқ рассоми, Давлат мукофоти номзоди берилганди.

1983 йили Ўзбекистон Давлат санъат му-

зейида етмиш ёшга тўлиши муносабати билан кўргазма очилди. Ўттиздан ошиқ чеварлик санъатида акс этган портрет, манзара асарлари намойиш этилди. «Алишер Навоий», «Бобур», «Ғафур Ғулум», «Ойбек», «Ибн Сино», «Ғайзулла Хўжаев», «Сора Эшон-тўраева» ва бошқа асарлари зақб билан томоша қилинди. Унинг

асарларида Республикамизда кўзга кўринган зиёбилар, алломалар қиёфалари ҳаётий жонланганди.

Ғазилат Сайдалиева чеварлик санъатида тасвирий санъатимиз майдонида дадил юриб, ўз услуби, ўз маҳоратини намоён этди.

Юбилей кўргазмада сўзга чиққан санъаткорлардан кекса санъатшунос, уни яхши билган халқ устаси Ортиқ Ғайзуллаев, санъатшунос олим Акбар Ҳакимов, Бадийий академия раиси ва рассом Турсунали Қўзиёев ва бошқалар Ғазилат Сайдалиева ижоди ҳеч кимниқига ўхшамас, ягона, гўзалликка бой эканлигини таъкидлашди. Игнадаги тасвирилар бамисоли «Игна билан қудуқ қавлаш» сингари машаққатли меҳнатни талаб қилади. Кенга кенг дунё, деганларидек, бу касбда кенг феъллик талаб этиларкан. Ўз номларига яраша шундай гўзал фазилятлар сохиби Ғазилат ая Сайдалиевада шу хилсирлар бор эди. Буни тўма қобилият деб таърифлашди. Ўзлари яратётган гўзаллик билан авваламбор ўзлари завқланарканлар...

Дарвоқе, элга ҳизмат — олий ҳиммат. Хали хануз ижод қилишдан бир нафас тўхтамаган аянинг меҳнатлари муносиб тақдирланган «Эл-юрт хурмати» ордени билан мукофотландилар.

Ғазилат ая Сайдалиеванинг ниятлари яна ижод қилиш. Дилларида борини тасвирилар. Унинг асарлари музейларимиз тўридан жой олган.

Ижодкорнинг нафис ижодида «Навоий», «Ибн Сино», «Бобур», «Ғафур Ғулум» ипақлар жиҳосида рангтасвирида жонланган. Санъат гулшонида гўзаллик яратган қўли гул рассомга қўлингиз дард кўрмасин, дегимиз келади.

Маҳмуд АҲМЕДОВ,
санъатшунос.

• ХУНАРЛИНИНГ ҚЎЛИ ГУЛ

ИПАКЛАРИ ТИЛЛОДАН

Ғар сафар шу қўшиқни эшитганимда эл-юрт назари тушган, хунармандлик санъатида биринчи мусаввира Ўзбекистон халқ рассоми, Давлат мукофоти лауреати Ғазилат ая Сайдалиевани эслайм. Ая кунуни кеча 90 ёшга тўлдилар. Ғамон тетик, ғамон чеварликни тарк этмай нозик ип-ипақларда турли хил тасвирилар яратмоқдалар.

Тадбирлар

«МЕН АСКАРМАН»

Маълумки, айти пайтда ёшларимиз мактаб кучигидан бир оз узокда яъни оромгоҳларда дам олишиб, яна кўпчилиги ота-оналарига яқиндан ёрдам беришиб, таътилни мазмунли ўтказишга ҳаракат қилмоқдалар. Аммо айрим ёшлар ҳам борки, улар вақтни беҳуда сарфлаб, кейин пушаймон бўлиб қолмоқдалар.

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Акмал Икромов туман бўлими ходимлари ана шундай ёшларни таътил вақтларини сермазмун ўтказиш мақсадида «Мен аскарман» уч кунлик акция ташкил қилишди. Бунга кўра туман ички ишлар бўлимида рўйхатда турувчи тарбияси оғир, вояга етмаган ёшлардан 15 нафари ҳарбий қисмда сафарда бўлди.

Ёшлар ҳарбий қисмда уч кун мобайнида бошлангич ҳарбий тайёргарлик фаолияти билан яқиндан танишдилар, аскарлар ҳаёти, ҳарбий қисм муҳитини ўрганишга ҳаракат қилдилар.

—Ушбу тадбирни ташкил қилишдан кўзлаган асосий мақсадимиз ёшларимизни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш. Куролли Куларимизга ҳурмат туйғусини шакллантириш, шунингдек, вақтнинг қадрини англаш кўйиш, — дейди «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман бўлими раиси Азиз Эргашев.

«МАҲАЛЛА» ВА «КАМОЛОТ» ҲАМКОРЛИГИДА

Узоқ асрларга назар ташлайдиган бўлсак, илму урфон, маърифат, зиё тарқатувчи, китоблар ҳар доим азиз саналиб келинган. Китобнинг офтобга ўшатилиши ҳам бежиз эмас.

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамда «Маҳалла» жамғармаси Шайхонтоҳур тумани бўлимидаги ҳамкорлигида ташкил этилган тадбир ҳам айнан «Энг яхши дўст — китоб»га бағишланди.

Маълумки, Бегуний номидаги давлат кутубхонаси ўзида бир неча минг нусхадаги китобларни жамлаган. Ушбу кутубхона «Янги Камолот» маҳалласида очилган кутубхонага 55 та китоб тақдим этди. Шу билан бир қаторда тумандаги «Чарх-Камолон», «Оби Назир» маҳаллаларидан келган ёшлар ҳам «Янги Камолот» маҳалласи кутубхонасини бойитишда ўз хиссаларини қўшишди.

Ўтказилган тадбирда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Шайхонтоҳур тумани бўлими ходимлари «Китоб — менинг дўстим», «Ватан менинг нигоҳимда», «Мен китобни севаман» каби мавзуларда асфальтга ва қоғозга расм чизиш танловини уюштиришди. Унда 6 ёшдан 13 ёшгача бўлган болалар қатнашиб, ўз истеъодларини намойиш этишди.

Асфальтга расм чизиш бўйича 10 ёшли Шохруҳ Отахўжаев, Абдулазиз Ортиқовлар ғолибликни кўлга киритишди.

Шунингдек, тадбирда болалар ўртасида «Сардор қандай бўлиши керак?», «Ўз дўстимни қандай тасаввур қиламан?» мавзуларида суҳбат ўтказилиб, болажонларнинг фикр-мулоҳазалари тингланди.

Озода РАҲМАТОВА


дея мустақил диёримизнинг барча фарзандларини келажакда буюк давлат қуришга қорлаётгандек туюлади. Маданият ва истироҳат болалари ҳамшаҳарларимизнинг, шунингдек, пойтахтимиз меҳмонларининг бўш вақтларини, дам олиш кунларини сермазмун ўтказишга хизмат қилиб келмоқда. Бу борада Фафур Фулом номидаги боғнинг ҳам ўзига яраша ўрни бор.

Эрта баҳордан бошлаб боғнинг барча аҳил жамоаси энг аввало, ободонлаштиришга эътибор қаратишди. Боғ ҳудудида кўкаламзорлаштириш бўйича ҳам катта ишлар амалга оширилди, мингдан кўп дарахтлар шу қатори мевали дарахтлар ҳам экилди. Чумолиш ҳавзалари таъмирланди, энг кичик ёшдаги болалар учун хавфсизлик чоралари кўрилган, атрофи ўралган, барча шароитлар яратилган сузиш ҳавзалари барпо этилди. Барча ўйингоҳлар: компьютер хоналари, рақс майдончаси таъмирланди. Янги эстрада майдончаси барпо этилди. Фафур Фулом ҳайкали яқинида шеърят хиббони фаолият кўрсата бошлади. Бу ишлар тасдиқланган режа асосида амалга оширилмоқда. Бунда боғнинг Комилжон Олимов, Равшан Тўлаганов, Ўткир Султонов, Андрей Кислицин, Мирзааҳмад Содиков, Нигмат Маҳмудов ва бошқа хизматчиларининг ҳиссаси катта бўлди. Натيجида боғда нафақат ёшлар учун, балки қарияларнинг хордиқ чиқаришлари учун ҳам барча шарт-шароитлар яратилди. Айниқса, «Барҳаёт сиймолар», «Санъатга бахшида умр», «Эъзоз давраси», «Келинг, бир кулишайлик», «Театр — сизнинг меҳмонингиз», «Маънавият гулшани», «Элимиз ардоғида» ва бошқа туркум маданий-маърифий тадбирлар, кечалар, учрашувлар дам олувчиларга манзур бўлмоқда.

2003 йилнинг Обод маҳалла йили деб эълон қилиниши ҳам бежиз эмас. Истиқлол туфайли янгидан қаддини ростлаётган маҳаллаларимиз ижтимоий ва маънавий ҳаётида туб ўзгаришлар рўй бермоқда. Шуларни инобатга олиб, жорий йилда маҳаллалар билан ҳамкорликда ўтказиладиган тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб амалга оширилмоқда. Шу кунларда Тошкент шаҳар «Маҳалла кўни» байрам тадбирларини ўтказишга кизгин тайёргарлик ишлари кетмоқда. Бир сўз билан айтганда, боғда фаолият кўрсатаётган ҳар бир ишчи юракдан ишлайди.

—Боғда кадрлар қўнимсизлиги йўқ, — дейди биз билан суҳбатда боғ раҳбари, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган

маданият ходими Баҳодир Султонов. — Боғда болаларнинг дам олишларини кўнгилдагидек уюштириш мақсадида маҳалла болалари учун ёзги дам олиш майдончаси ташкил қилинди. Майдончага ҳар кун тумандаги 43 та маҳалладан махсус тузиб чиқилган раҳбат асосида болажонлар келиб дам олмақдалар. Улар учун бу ерда стол тенниси,



СЎЛИМ МАСКАНЛАР ЧОРЛАЙДИ

Чилонзор туманида жойлашган маданият ва истироҳат боғида академик, Ўзбекистон халқ шоири Фафур Фулом таваллудининг юз йиллиги муносабати билан шоир ҳайкали қад ростлаган эди.

Тошкент шаҳар ҳокимининг қарори асосида ушбу сўлим гўшага элимизнинг севимли шоирининг номи берилди.

Боғнинг кираверишида барпо этилган Фафур Фулом ҳайкали атрофидаги янги хиббонда болаларнинг ёзги таътилни сермазмун ўтказиш майдончаси доимо гажув. Гўё олис-олисларга кўз тиккан халқимизнинг ардоқли ижодкори эндигина янги шеърларини қоралаган қоғозларни чўнтагига солганича:

«Аъло мамлакатнинг аъло фарзанди,
Билиб кўйки, сени Ватан кутади!»

шахмат-шашка, бадминтон, қисқа масофага югуриш, қувноқ стартлар ва болаларнинг турли хил миллий ўйинлари бўйича мусобақа ва ўйинлар ташкил қилинган. Шунингдек, улар ҳузурга ҳафтанинг шанба ва яшанба кунлари Оперетта театри санъаткорлари, ҳамда шахримиздаги турли болалар бадиий жамоалари ташриф буюриб, ўз спектакль ва концертларини намойиш қилмоқдалар.

Булардан ташқари, майдончада таниқли болалар адиблари, бастакорлари ва сахна усталари билан учрашувлар ўтказилмоқда. Чилонзор туман ҳокимлиги ва истироҳат боғи ҳамкорлигида ишлаб чиқилган махсус режа асосидаги тадбирларга табиат, санъат,

спорт байрамларини ўтказиш билан бир қаторда боғ жонли бурчаги, яшил ҳудуди, кўл ёқалари бўйлаб сайр қилишлар ҳам киритилган.

Ушбу майдончага келиб дам олаётган болаларга кўрсатилаётган гамхўрликнинг яна бир эътиборли томони шундаки, улар учун боғ маъмурияти томонидан ўйин қурилмаларидан бепул фойдаланиш учун махсус таклифномалар берилмоқда.

Бундан ташқари истироҳат боғида «Чоршанба — болалар кўни» йўналиши бўйича ҳам тадбирлар узлуксиз ўтказилиб келинмоқда. Чилонзор тумани халқ таълими бўлими билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган режа асосидаги бу тадбирларимиз ҳафтанинг ҳар чоршанба кўни ўтказилиб, унга туман мактабларидаги оромгоҳ ва соғломлаштириш майдончаларида дам олаётган ўқувчилар иштирок этмоқдалар. Улар иштирокчидаги санъат ва спорт байрамлари, турли мавзулардаги викториналар, концерт дастурлари қизиқарли ҳамда мазмунли ташкил қилинмоқда. Шунингдек улар ҳузурда театр санъаткорлари ва ўзбек миллий цирк артистлари ўз дастурларини намойиш қилаётган бўлсалар, туманимиздаги «Оловуддин», «Орзу», «Севинч» каби болалар бадиий жамоаларининг чиқишлари бу ерга келиб дам олаётган болажонларимизга олам-олам қувноқ улашмоқда. Ўтказилаётган барча тадбирларимизда фаол иштирок этаётган ўқувчиларга эса боғ маъмурияти томонидан ўйин қурилмалар учун таклифномалар улаштилмоқда.

Мактаб ўқувчиларининг ёзги таътил кунлари боғ кўйида сермазмун ва қувноқли ўтиши учун барча шароитлар яратиб берилган. Боғдаги жонли бурчак кенгайтирилди. Аквариумга янги балиқ турлари келтирилди. Укки, тоғ эчкиси, маймун, товус, илонлар турлари билан бойитилди.

Хулоса қилиб шуни айтиш ўринлики, бугун давр бизнинг зиммаюзга юксак маърифатли, маданиятли, улкан салохиятли, соғлом авлоди тарбиялашдек маъсултилни вазифани юклаган экан, бундай улкан, шарафли вазифани амалга оширишда Чилонзор туманидаги Фафур Фулом номи маданият ва истироҳат боғининг кўп сонли аҳил жамоаси ҳам бир ёқадан бош чиқариб меҳнат қилиб, ўзининг муносиб ҳиссасини қўшмоқда.

Рустам ХЎЖАЕВ
СУРАТДА: боғнинг бугунги кундаги ҳаётидан лавҳа.

• **САНЪАТ** Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат академик катта опера ва балет театри репертуаридан ўрин олаётган спектакллар томошабинлар томонидан илиқ кутиб олинмоқда. Улардаги айрим ролларни ижро этиш учун четдан таниқли актёрларнинг таклиф этилаётгани бу постановкаларнинг янада жозибали бўлишига ёрдам бермоқда.

ЎЗИГА ХОС ИЖОДИЙ АНЪАНА

Санъат қошонаси сахнасида кўрсатилган композитор Вердининг «Риголетто» операсида, Чайковскийнинг «Оқуш кўли» балетига чет эллик санъаткорлар ўзларига топширилган ролларни сахнага муваффақиятли олиб чиқдилар.

«Дон Кихот» спектаклидаги Китри образи Россия Федерациясидаги Катта театр солисткаси Лоло Кочеткова талқинида томошабинларга тақдим этилди.

Театр бу ижодий анъанани ўзининг навбатдаги постановкаларини сахналаштиришда ҳам давом эттиради.

Акбар АЛИЕВ

ХАЙР, ОЛТИН ДАВРИМ

Республикамиздаги барча ўқув юрталари ва билим даргоҳларида битирувчиларга дипломлар топширилмоқда. Кўни кеча пойтахтимизнинг Чилонзор туманида жойлашган 1-Тошкент педагогика коллежининг навбатдаги қалдирғочлари ҳам мустақил ҳаётга учирма бўлишди. «Хайр, талабалигим!» деб номланган ушбу тадбирда битирувчи талабалар, устозлар ва ота-оналар иштирок этишди.

Кеча давомида коллеж директори Минавара Исмоилова сўзга чиқиб, ёшларга самимий тилакларини билдирди. Битирувчиларни «Ўқитувчи» дея аталмиш шарафли қасб эгаси бўлганликлари билан қутлаб, оқ йўл тилади.

Тадбирда коллежининг фахрий мураббийлари ва ота-оналар ҳам иштирок этиб, битирувчиларни табриқлаб дил сўзларини изҳор этдилар.

Шунингдек, ўқиш ва жамоат ишларида фаол иштирок этган, дўстларига намуна бўлган бир гуруҳ битирувчилар коллеж маъмурияти томонидан Мақтов ёрлик-

лари билан тақдирландилар.

Кечада сўзга чиққан талабалар ҳам ҳаяжон ила устозларига ташаккур билдириб, келажакда мураббий сифатида ватанпарвар ва баркамол авлод тарбиясига ўз хиссаларини қўшишга, мустақил юртимиз учун сидқидилдан хизмат қилишга сўз бердилар.

Тадбир сўнггида талабалар ва хонандалар томонидан ижро этилган дилбар тароналар ва гўзал рақслар йиғилганларни хушнуд этди.

Кекса устоз ва мураббийлар эса ёш ўқитувчиларга чин юракдан «оқ йўл» тиладилар.

Наргиза ВАЛИЕВА

Футбол

Германияга жўнаб кетишди

Жорий йилда ёшлар ўртасида ўтказиладиган жаҳон чемпионатида кизгин ҳозирлик кўраётган иктидорли мураббий Виктор Борисов етакчилигидаги Ўзбекистон терма жамоаси футболчилари ўқув-машғулот йиғинларини Европада давом эттиришга аҳд қилишди. Кунга кеча Борисов шоғирдлари Германияга жўнаб кетишди. Ёш футболчиларимиз Дортмунд шаҳрида Германиянинг маҳаллий клублари билан учта ўртоқлик учрашувлари ўтказишди.

Ашурматов Москвада

Ўзбекистон миллий терма жамоасининг моҳир ҳимоячиси, собиқ пахтакорчи Бахтиёр Ашурматов номаълум сабабларга кўра Владикавказнинг «Спартак Алания» клубини тарк этганлиги ишқибозларга маълум. Яқиндагина «Пахтакор» ўринбосарлари билан бирга ўқув-машғулот йиғинларида қатнашиб юрган Бахтиёрга москвалик футбол мутахассисларининг назари тушди. Чунки айни кунларда ҳамюртимиз Москванинг «Торпедо-Металлург» жамоаси мураббийлари назоратидан ўтмоқда. Шуниси кувончлики, «Торпедо-Металлург»нинг «Спартак» (Москва) ва «Ростов» билан ўтказган учрашувларида Ашурматов майдонда 90 дақиқадан ҳаракат қилган. Дарвоқе, «Торпедо-Металлург» мураббийлари яна бир «Пахтакор» аъзоси — Леонид Кошелев билан кизиқишмоқда.

Носиров

«Пахтакор»ни тарк этадилми?

Мамлакат XII миллий чемпионати олий лига жамоалари биринчи давра ўйинларини ниҳоясига етказишлари билан яна футболда трансфер савдоси кизигандан кизимокда. Биринчи даврани мамлакатимизнинг етакчи жамоаси «Пахтакор» таркибидан ўтказган. Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси аъзоси Борийшон Носиров «Дўстлик» клуби футболчилари Виктор Клишин ҳамда Илья Кликуновлар билан Рига Ригага йўл олди. Ҳозирда Рига футбол клуби мураббийлари кўригидан ўтаётган ушбу чарм тўп усталарининг орзулари Латвия жамоаларида тўп суриб маҳоратларини оширишдир.

Мухтор — «Қайрат» таркибидан

«Пахтакор» жамоасининг собиқ ярим ҳимоячиси, жорий мавсумда «Нефтчи» таркибидан тўп сурган Мухтор Қурбонов омадини Қозоғистон Республикаси жамоаларидан бирида синаб кўрмоқчи бўлди чоғи, Алматы шаҳрига йўл олди. Матбуот нашрлари хабарига кўра Мухтор Қозоғистоннинг етакчи жамоаларидан бири «Қайрат» таркибидан ўқув-машғулот йиғинларида қатнашмоқда. Шунингдек, ўзбекистонлик яна бир футболчи Андрей Поваляев эса Қозоғистоннинг «Тараз» клуби мураббийлари синовидан ўтмоқда. «Кимёгар» футболчиси, собиқ пахтакорчи Махмуд Тўраҳужаев ҳам Москвага «Торпедо-Металлург» сафига қўшилишни ният қилиб борганди. Аммо мураббийлар имтиҳонидан ўта олмадими, ҳарқалай Махмуднинг омади чопмади. Энди у қаерда тўп сураб экан? Буни вақт кўрсатади.

Ақбар Йўлдошев

• СЎРАГАН ЭДИНГИЗ...

Ҳозирги кунда кўпчилик ота-оналар ёш болаларга хурсанд бўла қолсин, дея сақич олиб беришади. Болакайлар эса сақични кўпинча билмаган ҳолда ютиб юборишади. Бунинг қандай зарарли оқибатларга олиб келиши тўғрисида маълумот беришингизни сўраймиз.

Х.Саидова, К.Муродова, ёш оналар.

Маълумки, ёш болалар сақичнинг мазаси, юмшоқ ва чўзилувчанлиги учун чайнашни хуш кўришади. Лекин узоқ вақт чайнолмайдилар ва билмаган ҳолда уни ютиб юборадилар. Америкалик шифокорлар бу борада тажриба олиб бориб, болаларда ич қотишининг стандарт даволашга тўғри келмайдиган иккита ҳолат — қизилўнганчиги беркилиб қолишига оид битта сабабни аниқлаганлар — буларнинг ҳаммаси ютиб юборилган сақич бўлган. Сақич туфайли 4-5 ёшли

болалар жабр кўрганлар. Шифокорлар болаларнинг ота-оналаридан уларнинг бир неча бор сақич ютиб юборишганини билишган. Бир қизчанинг узоқ вақт ичи қотиши туфайли унинг тўғри ичга номунасосиб даражада катталашиб кетган. Ичакнинг катталашшига катта ҳажмдаги ёпишиб қолган сақичлар сабаб бўлган. Шифокорлар қизининг ичга катта қийинчиликлар билан нархоз остида тозалашган. Яна бир болакайни ота-онаси яхши хулқи учун са-

қич билан сийлашган. Сўнг бола бетўхтов йўтал билан шифохонага тушган. Унинг нафас олиши қийинлашиб, жуда кўп миқдорда сўлак ажралиб чиққан. Рентген унинг қизилўнганчиди тикилиб қолган овқат қолдиқлари борлигини кўрсатган. Кейин аниқланишича, бу қолдиқлар сақич туфайли ёпишиб қолган экан.

Сақич чайнаш туфайли кўплаб ёш болалар азият чекаётганини, унинг зарарли оқибатлари ҳақида шифокорлар жиддий хулоса қилишмоқда. Шунинг учун ота-оналар фарзандларига сақични умуман ютиб юбориш мумкин эмаслигини, унинг зарарли оқибатларини тушунтиришлари, ёш болаларга сақич беришни қатъиян ман этишлари керак.

Гулнора ҲАМИДОВА

• «02»

Ҳаётда шундай инсонлар борки, қисқа муддат давомида улар ёнингизда, сиз билан ҳамфикр бўлиб юрадилар. Турли ваздалар билан ишончингизни қозонгандан сўнг эса, фориб-найранглари ни намоён этадилар.

ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ, ФИРИБГАР!

Шу кеча-кундузда шаҳар ИИББ Жиноят қидирув бошқармасининг Коррупция, рекет ва товламачиликка қарши кураш бўлими ходимлари томонидан ўтказилаётган тезкор тадбир бир фуқаронинг 5 миллион сўмга яқин пулларини ўзлаштириб юборган форибгарларнинг қилмишини ошкор этиш билан яқунланди.

— Нима сабабдан шунча пулни ишониб бериб юбордингиз? — деган саволимизга жабранувчи — «Илгари таниш бўлганмиз, шунга ишониб...» дея олди ҳолос. Ана шундай форибгар шахсларга қарши бу вақтида кураш олиб борилмаса, бу жиноят турининг илдииз отиб кетиши, оқибатда эса кўплаб фу-

қароларимиз ўзларининг ишонувчанлиги туфайли, «форибгарлар» алдовларидан азият чекишлари мумкин.

Юқоридаги ҳолат бўйича икки фуқаро ҳибсга олинган бўлиб, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Файзибону РАҲМАТУЛЛАЕВА

Табассум

Дўкончининг кўпол муомаласидан жаҳли чиққан харидор деди:
— Айтган гапингизни қайтариб олинг, кечирим сўранг.
— Бу ерда ҳеч нарса қайтариб олинмайди, жуда иложи бўлмаганда алмаштирилиб берилади, — деди дўкондор.

Муаллим жўғрофия дарсида бир ўқувчини доскага чиқариб, картадан Кавказ тоғларини, Африка чўлларини кўрсатиб беришни сўради. Ўқувчи Кавказ тоғларини Хиндукумдан, Африка чўлларини эса Каспий денгизидан қидира бошлади.

— Бўлмади! Энди ўзимизнинг ўлкага қайтайлик. Волга билан Жигули қаерда? — деб сўради ўқувчи.
— «Волга» қўшнимизнинг гаражиди, «жигули» эса бизникида...

Уй бекаси ёш боласини парварिश қилиш учун энага ёллабди. Бир кун одамлар гўдакнинг онасидан:
— Нега пакана энага олдингиз? — деб сўрашганда, у шундай жавоб берибди.
— Шунинг учунки агар гўдак энаганинг кўлидан тушиб кетса, камроқ шикаст ейди.



Изоҳга хожат йўқ. Абдурасул Ҳақимов чизган расм.

Бека

Қовурилган гўшт ва қиймани барвақт тузлаб кўйилса, уларнинг сели чиқиб кетади ва сифати бузилади. ***

Қари молнинг гўшти тез пишиши учун сувга бир қошиқ сирка ёки лимон суви қўйиш керак. ***

Гўштни духовкада пиширишда устига вақти-вақтида қошиқ билан иссиқ шўрва ёки қайноқ сув кўйиб туриш лозим. ***

Жигарни қовуришда туз сепилмайди, акс ҳолда у қаттиқ бўлиб қолади. Таом пишгандан кейин туз сепилади. ***

Гўштни пиширишдан олдин совуқ сувда ювилади. ***

Гўшт қиймалагиччи сода солинган иссиқ сув билан ювиб, тоза сувда чайилса, қисмларини обдон қуригандан кейин йиғиб, қуруқ жойга қўйиш керак. ***

Қовурилган ёки қайнатиб пиширилган гўшт ва балик узоқ вақт туриб қолса, мазаси ўзгаради, сифати бузилади. Шунинг учун уларни тайёр бўлиши билан дастурхонга тортган маъқул.

• БУ — ҚИЗИҚ

ЖИМ ТУРГАНИГА... 500 ДОЛЛАР

Руминиялик ишбилармон Николай Попа ишда ўлғудай чарчагани-чарчаган. Уйга келишга безор. Чунки хотини ўта маҳмадонга. Мария ухла-маса ўзимча ҳам гапириверади. Эрини жонига теккани-теккан, гапиривериб. Ажрашай деса, хотинини севади. Хотинига қаттиқ гапир олманган Николай жим турса 500 доллар тўлашни ваъда қилган. Мария кун бўйи компьютерга тикилгани-тикилган. Уйга келган эри билан гаплаши-си келиши табиий ҳол. Наҳора шарт — шартда. Баъзан ич ёрилай деганида бир омизгина гап гапириб қолади. Ҳечқиси йўқ, у соқов бўлиб қолмаса бас.

АЖОЙИБ ТИКУВЧИ

Варшавалик Альфред Элерт аслида математик. Бирок, у ҳаваскор тикувчи ҳам эди. Тикувчи бўлганидаям ажойиб қобилиятга эга тикувчи эди. Гап шундаки, ҳаёти давомида бюртма бўйича тиккан костюм-шимлардан ақалли бирортасини мижозларнинг бўйи бастини ўз кўли билан ўлчаб тикмаган. Фақат мижозининг оғирлигини, бўйини, елка кенглигини ва бел айланасини сўради ҳолос. Матони аввал бичиб, кийдириб кўрмасдан тикиб тайёр қиларди.

Альфред ҳатто телефон орқали ҳам бюртма оларди. Шунда бюртмачидан юқоридаги каби манбаларни сўради. Костюм-шим тайёр бўлган, мижозга бардари ва албатта, бюртмачи кийим ўзига мос тушганидан хурсанд бўларди.

Абдулла ТОЛИПОВ тўплаган.

Тошкент шаҳар М. Улугбек тумани Солиқ бошқармаси томонидан аяка тартибдаги тadbirkor Имомова Дилдорага берилган № 88051 дан — 88100 гача ва № 86701 дан — 86750 гача бўлган чек дафтараҳиса ҳамда 2003 йил 14 мартда берилган № 536 рақамли тadbirkorning даромадлари ва товар операцияларини ҳисобга олиш дафтари йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ



Бош муҳаррир Ақмал АКРОМОВ

Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Манзиллари: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

хатлар — 133-29-70; эшонлар: 133-28-95, 132-11-39; факс: (3712) 133-21-56. Ҳажми — 2 босма тираж, офсет усулида босилади. 4204 нускада босилди. Қоғоз биринчи А-3

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитасида 10-қаватда бўлиб тўрқата олиниган

Нашрини етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимига ёки «Тошкент почта»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва сақланган.

«Шарқ» нашрийт-матбоси оқшордорлик компанияси босмоқдонси. Корхона манзили: «Буёқ Тўра» кўчаси, 41-уй.